

ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-мартда Қашқадарё вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 6315,9 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг январь-мартга нисбатан 100,0 % ни сақланиб қолди.

2019 йил 1-чорак яқунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 1961,8 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич 2018 йилнинг январь-мартга нисбатан 98,0 % ни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Қашқадарё вилоятининг қўшган хиссаси 6,9 % ни ташкил этди.


Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш

	Млрд.сўм		2018 йилнинг январь-мартга нисбатан, % да
	2018 йил январь-март	2019 йил январь-март	
I. ЯҲМ	4665,9	6315,9	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	4351,8	5682,3	100,1
Маҳсулотларга соф солиқлар	314,2	633,6	99,0
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	4351,7	5682,3	100,1
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	915,5	1074,3	101,3
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1938,0	2701,1	96,7
саноат	1648,3	2339,7	94,2
қурилиш	289,7	361,4	111,1
Хизматлар	1498,2	1906,9	103,6
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	344,2	395,3	102,1
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	288,2	317,8	102,6
бошқа хизмат тармоқлари	865,8	1193,8	104,5

Худуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги – 101,3 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 18,9 %), Қурилиш – 111,1 % (6,4 %), Хизматлар – 103,6 % (33,5 %) ни ташкил этди.

Шунингдек ўткан йилнинг мос даври билан таққосланганда Саноат тармоғида ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиш кўзатилди ва 94,2 % ни ташкил этиди (мазкур тармоқни ЯҲМ таркибдиги улуши 41,2 %).

2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




иқтисодий фаолият турлари

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 90,0 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 10,0 % ини ташкил этди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2018 йилнинг январь-март ойларига (21,0 %) нисбатан 2,1 % тушиб 2019 йил мос даврида 18,9 % ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши ўтган йилнинг мос даврига (44,6 %) нисбатан 3,0 % га ошиб 47,6 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг улуши 2018 йил январь-март (34,4 %) ойларига нисбатан 0,9 % га тушиб жорий даврда 33,5 % ни ташкил этди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби (жамига нисбатан фоизда)

2018 йил январь-март



2019 йил январь-март




- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 7,0 % ни (2018 йил январь-мартда – 7,9 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 5,6 % ни (6,6 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 20,9 % ни (19,9 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда)**

**2018 йил
январь-март**

**2019 йил
январь-март**



- Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- Хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

**Статистика фаолиятини ташкил
этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий
ишлар бўлими**

Ш.Жўраев (0375) 221-16-42